O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

«Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 30-oktabr • Seshanba • 133 (27.778) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ТАНИШИНГ:

«NIL TEKS SIRKETI» КОРХОНАСИ

ЁШ БОЛАЛАР УЧУН КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИБ, УНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИНИ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ ҚИЛАДИ»

Ўтган йили адлия муассасаси рўйхатидан ўтибок, октябрь ойи бошида иш бошлаган мазкур корхона лойиҳасининг «мақсади» деган жойига худди шундай ёзиб қўйилганди.

Дарвоқе, Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган «NIL TEKS SIRKETI» корхонаси бугунги кунда болаларбоп тайёр кийим-кечаклар ва турли хил трикотаж буюмлар ишлаб чиқармоқда. У илк кезларданоқ МЧЖ — масъулияти чекланган жамият шаклида фаолият олиб бориб, тайёр маҳсулотларнинг асосий қисмини экспортга йўналтириш йўлида модерн технологиялардан фойдаланиш ва хориждан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланишга алоҳида эътибор қаратди. 85 та (шундан 62 таси хотин-қизлар учун) янги иш ўринлари яратиб, модел, бичиқчилик, безак солиш ва тикувчилик цехлари ташкил этди. Йиллик ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш режаси 1 миллион 200 минг дона болаларбоп кийим-кечаклар, деб белгилаб олинди...

Дастлабки натижаларга эътибор беринг: 2006 йилнинг уч ойидаёқ (корхона ишга тушган октябрь ойидан бошлаб декабрь ойи охиригача) 116160 АҚШ долларидан зиёдроқ миқдорида 136 минг 526 дона, 2007 йилнинг биринчи ярми — олти ойида эса 255500 АҚШ доллари миқдорида 263 минг 900 дона маҳсулот четга экспорт қилинди. Россия Федерацияси маркази — Москвада жамиятнинг Савдо уйи очилди. Шунингдек, ички бозорнинг ҳам режадаги 20 фоиз товари барвақт таъминланди...

— Мақсадимиз, — дейди корхона бош директори ўринбосари — иш бажарувчи Баҳром Абдуллаев, — жаҳон бозорига кўпроқ юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериб, республикамиз ғазнасига кўпроқ валюта тушириш...

Замон АЛИ

Суратларда: илғор тикувчи Нилуфар Ҳайитова; корхона бош директори ўринбосари Баҳром Абдуллаев, цех бошлиғи Озода Абдурашидова ҳамда мастер Дилфуза Ашурова тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК АСОСИ – ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 октябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Анатолий Сердюковни қабул қилди.

— Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистон ва Россия мудофаа вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганининг яна бир тасдиғидир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома бу ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган ҳарбий, ҳарбий-техникавий ва ҳарбий-илмий ҳамкорлик қуролли кучларни қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлашга, ахборот ва технологиялар алмашувини ривожлантиришга, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган. Ўзбекистон ва Россия полигонларида икки марта тактикавий қўшма аксилтеррор машқлари ўтказилди. Бундай тадбирлар мамлакатларимиз манфаатларига мос ва ҳарбийлар учун фойдалидир. Хусусан, аксилтеррор машқларида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги умумий вазифалар бажарилади – биргаликда терроризмга қарши курашиш, террор хуружларини бартараф этиш механизмлари такомиллаштирилади, кўникмалар мустаҳкамланиб, тажриба алмашилади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилади. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари ҳар йили ҳамкорликка оид дастур ва режалар ишлаб чиқади ва амалга оширади. А.Сердюковнинг мазкур ташрифи асносида Ўзбекистон ва Россия мудофаа вазирликлари ўртасида 2008 йилда икки томонлама ҳамкорлик режаси имзоланди.

Ҳарбий соҳадаги алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланиб бормоқда. Жорий йил май ойида Москвада мамлакатларимиз ўртасида қуруқликдаги қўшинларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларини кўчма зенит-ракета мажмуалари билан таъминлаш, улардан фойдаланиш ва ахборот алмашиш тўғрисида битим имзоланган эди.

Ўзбекистон ва Россия хавфсизлик борасида ва ҳарбий соҳада Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади. Бу борадаги алоқалар КХШТ қамраган минтақа сарҳадларида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айни пайтда Ўзбекистон учун тезкор разведка маълумотларига, Россия махсус хизматларининг таҳлилий материалларига, замонавий қурол-аслаҳа ва техникага эга бўлиш имкониятлари кенгаяди.

Амалдаги ҳарбий ҳамкорлик ривожи ва кўлами Ўзбекистон билан Россия ҳарбий соҳада ҳам иттифоқчилик муносабатларини ривожлантириш йўлидан бормоқда, дейиш учун асос бўла олади.

Анатолий Сердюков самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Россия Ўзбекистон билан ҳарбий ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарашини, бу йўналишдаги барча қўшма дастур ва режаларни қатъият билан, изчил амалга оширишни давом эттиришга тайёр эканлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликка ҳамда минтақавий хавфсизликка оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайтириш имконини берди.

Шу билан бирга, суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ўстиришга ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг даромадларини оширишга тўғаноқ бўлмоқда. Мелиорация соҳасидаги тадбирларнинг лойиҳаларини, шунингдек, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини шакллантиришда тизимли равишда, комплекс ёндашилмаётганлиги, сув хўжалиги тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг суст ишлаши кейинги йилларда мелиорация ишлари ҳажмларининг камайишига, сизот сувларнинг даражаси кўтарилишига ва минераллашуви ошиб кетишига олиб келди.

Бунинг оқибатида ҳозирги вақтда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпроғини турли даражада шўр босган, айни вақтда фермер хўжаликларига қарашли суғориладиган ерларнинг 16 фоизидан ортиғи қониқарсиз ҳолатдадир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш 2008-2012 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи энг муҳим устувор вазифалари этиб белгилансин:

мелиорация ишларининг буюртмачилари ва ижрочилари ўртасида вазифаларни қатъий тақсимлаш ҳамда уларнинг жавобгарлигини ошириш асосида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишга ёндашувларни тубдан ўзгартириш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш;

мелиорация шохобчаларининг самарали ишлашини, дренаж ва оқова сувларнинг коллектор-дренаж тармоғи орқали норматив-га мувофиқ чиқарилишини таъминлайдиган ушбу шохобчаларни сақлаш механизмини сифат жиҳатидан такомиллаштириш;

лизинг операцияларини кенг жорий этиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мелиорация техникаси саройини янгилаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда)

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – САЙЛОВНИНГ МУҲИМ МЕЗОНЛАРИ

Тошкентда 27-29 октябрь кунлари «Округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг сайлов кампаниясидаги мақсад ва вазифалари» мавзуида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситаларидан олтмишдан зиёд вакил иштирок этган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари семинарнинг асосий мавзуи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов семинарни очар экан, мамлакатимизда жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жамият ва давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа эканини қайд этди.

Сайловнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган демократик тамойиллар ва нормаларга тўла мувофиқ ҳолда ўтишида, сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам ўта муҳим вазифалар юкланган.

2-бет

☑ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ

бозор иқтисодиётининг асосий йўналиши бўлиши лозим, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган семинарда

Сиёсий фаоллик ва ташаббускорлик сиёсий партия учун доимий эътибордаги масаладир. Айниқса, партия аъзолари, электорати, барча тарафдорларининг сиёсий фаоллиги, ташаббускорлиги, бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлиги сиёсий кучнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини белгилайди. Кеча ЎзХДПда ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида Марказий Кенгаш ҳузуридаги семинарнинг навбатдаги машғулотида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзолари ва масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳар ва вилоят партия фаоллари, Марказий Кенгаш экспертлари иштирок этдилар. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасидан келиб чиққан ҳолда «Мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг иқтисодий пойдевори — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш» мавзуси муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева ва семинар иштирокчилари мавзу мазмунини таҳлил қилар эканлар, ўтиш даври ҳамда миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ дастлабки босқичнинг тарихий аҳамияти, иккинчи босқичда амалга оширилган фаол демократик янгиланиш, мамлакатни модернизациялаш жараёнларига эътибор қаратдилар.

Бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилидан бири — бу аҳолининг мададталаб қатламини ижтимоий ҳимоя қилишдир. Мустақиллик йилларида айнан шу тамойилнинг амалдаги ижросини таъминлашга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ҳамда қарорлари, ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинди ва босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиб борилмоқда. Маълумки, ҳар йили Давлат бюджетини қабул қилишда ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби масалаларга бюджет харажатларининг катта қисми йўналтирилмоқда. Айниқса, 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга берилаётган катта эътиборнинг исботидир.

Семинарда сўзга чиққан ЎзХДП МК Экспертлар гуруҳи аъзолари Руфат Раззоқов, Маргарита Аҳмедбекова, Юнусобод туман партия кенгаши раиси Нигора Эшметова ва бошқалар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шакланиш босқичлари, бу борада ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ислоҳотлар ҳамда уларнинг аҳоли турмуш даражасини оширишидаги роли ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Иштирокчилар иқтисодий ислоҳотлар самарадорлиги, ғалла ва ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш ва унинг барқарор макроиқтисодий ривожланиши, бозор инфратузилмаси ва рақобат муҳити вужудга келиши, фаол демократик янгиланиш ва мамлакатни модернизациялаш даврининг асосий стратегик вазифалари ва уларни ҳал этишнинг самарали йўллари ҳақида қизғин баҳс-мунозара юритдилар. Шу мавзуда жойларда ўтадиган семинарлар учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 30 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1151,05
1 Англия фунт стерлинги	2620,72
1 Дания кронаси	245,37
1 БАА дирхами	348,80
1 АҚШ доллари	1280,65
1 Миср фунти	232,17
1 Исландия кронаси	21,12
1 Канада доллари	1322,03
1 Хитой юани	170,86
1 Малайзия рингити	380,72
1 Польша злотийси	500,70
1 СДР	2001,13
1 Туркия лираси	1060,58
1 Швейцария франки	1095,23
1 ЕВРО	1828,64
10 Жанубий Корея вони	13,98
10 Япония иенаси	111,99
1 Россия рубли	51,52
1 Украина гривнаси	253,59

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Кенгаши ва тузилмаси, шунингдек, унинг ижро этувчи органи — Жамғармани бошқариш Департаменти таркибини тасдиқласин.

Қуйидагилар мазкур Жамғарманинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан мелиорация ишларини ўтказиш учун мўлжалланган маблағларни тўла ҳажмда Жамғарма ҳисобварағида жамлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли Давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

тасдиқланган дастурларга мувофиқ мелиорация ишларини, магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини мукаммал таъмирлаш ва тиклаш мақсадида жорий таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ҳамда тизимли асосда аниқ, мақсадли молиялаштириш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига уларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат мададини кўрсатиш;

мелиорация техникасини, жумладан, лизинг шартлари асосида сотиб олиш учун қайтариб бериш асосида маблағлар ажратиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарманинг ажратиб берилган молиявий маблағларидан мақсадли, аниқ ва самарали фойдаланилиши устидан доимий асосда қаттиқ назоратни амалга ошириб бориш.

3.Қуйидагилар Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича Давлат бюджетига тушадиган маблағлар;

мақсадли бюджет маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари;

маҳаллий ва хорижий грантлар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағ манбалари ва даромадлар.

4.Белгилансинки, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағларидан фақат қуйидаги мақсадларга:

магистрал (вилоятлараро), туманлараро ва хўжаликлараро очиқ коллекторлар, вертикал дренаж қудуқлар, мелиоратив насос станциялар ва кузатиш тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурлари доирасида ёпиқ горизонтал дренаж шохобчаларидаги таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишга;

ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига киритиладиган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган лойиҳа-қидирув ҳужжатларини ишлаб чиқишга;

ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг мелиорация техникаси саройини янгилашга маблағни қайтариб бериш асосида, шу жумладан узоқ муддатли имтиёзли лизинг шартларида молиялаштириш тадбирларига;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурларида назарда тутилган бошқа ишларга йўналтирилган ҳолда фойдаланилади.

5.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2007 йилнинг 15 ноябригача бўлган муддатда 2008 йилда биринчи навбатда реконструкция қилинадиган ва қуриладиган объектларни белгилаб берган ҳолда 2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2008 йилнинг 1 январигача ихтисослаштирилган қурилиш ва эксплуатация ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини мелиорация техникаси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган лизинг компаниясини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

7. Қуйидагилар:

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси — барча турдаги солиқлар, йиғимлар, божлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан, ягона ижтимоий тўлов ва божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно;

2008-2012 йиллар мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича пудрат ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматлар — қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

ташкил этиладиган ихтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга — бўшайдиган маблағларни мелиорация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдиришга мақсадли йўналтирилган ҳолда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар тўлашдан, шунингдек, сотиб олинадиган мелиорация техникаси учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

8.Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 октябрь

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК – САЙЛОВНИНГ МУҲИМ МЕЗОНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Б.Алимов сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказишдек муҳим вазифа округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари зиммасига ҳам катта масъулият юклашига эътиборни қаратди.

Ушбу семинарни ўтказишдан мақсад сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини тезкор ва холисона ёритишда, ошкораликни, сайлов кампаниясининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, аввало, матбуот хизматлари ходимларининг фаол иштирок этиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишдан иборат. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши кўп жиҳатдан журналистларнинг профессионал тайёргарлиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражаси билан боғлиқ.

Шу мақсадда семинар ишига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва ҳуқуқшунослари билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Тошкент давлат юридик институти олим ва мутахассислари, Миントақавий сиёсат жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти экспертлари, Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси ходимлари жалб этилди.

Анжуманда «Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг конституциявий асослари», «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тизими: миллий ва хорижий тажриба», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва оммавий ахборот воситалари: ҳуқуқ ва мажбуриятлар», «Сайловолди ташвиқоти ва оммавий ахборот воситалари», «Сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари», «Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг асосий вазифалари», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг иштироки», «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштироки» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Маърузалар муҳокамалари асносида ҳуқуқ ва сиёсат соҳасининг малакали мутахассислари билан анжуман қатнашчилари ўртасида қизғин савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Экспертлар иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ёритишда жойларда чоп этиладиган даврий нашрлар ҳамда тармоқ газеталарининг иштироки, фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи, сайловолди ташвиқоти даврида барча номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилиши, сайлов жараёнларини ёритиш истагини билдирган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда халқаро кузатувчилар фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларига доир саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Илмий-амалий семинар самарали мулоқотларга бой бўлди. Марказий сайлов комиссиясида семинар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов билан учрашдилар. Таъкидланганидек, мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда муқаррар, қонуний жараёнга айланган. Буни фуқароларимизнинг сайловларга жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига, демакки, ҳар бир сайловчи тақдирига таъсир кўрсатадиган ўта муҳим сиёсий воқеа сифатида ёндашаётганликларидан ҳам англаш мумкин.

Учрашувда иштирокчиларга Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссиясининг амалга ошираётган ҳар бир иши оммавий ахборот воситаларида изчил акс этиб бормоқда. Бу Марказий сайлов комиссиясининг бутун фаолияти сайлов тизимининг демократик принципларини, айниқса, сайлов жараёнида ошкоралик ва очиқлик тамойилини амалга оширишга кўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга йўналтирилганидан далолатдир. Бунда сайловга тайёргарлик ва сайлов жараёнларини ёритувчи журналистларнинг ўрни каттадир.

Ошкоралик ва очиқлик — демократик сайловларнинг муҳим шарти. Бунга ҳар бир жараёнга оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб этиш орқалигина эришиш мумкин. Шу мақсадда округ сайлов комиссиялари қошида ташкил этилган матбуот хизматларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Мазкур илмий-амалий семинар матбуот хизматлари раҳбарлари ва ходимлари, жойлардаги журналистларнинг касбий малакасини янада юксалтириш, миллий сайлов қонунчилиги ва уни амалда татбиқ этиш борасидаги билимини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда қатнашчиларга сайлов қонунчилиги ва амалиётига дахлдор ўндан зиёд адабиёт тайёрлангани ва улар яқин орада жойларга етказиб берилиши маълум қилинди. Бу қўлланмалардан иш жараёнида самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси иштирокчиларнинг сайлов участкаларини тузиш ва участка сайлов комиссияларининг аъзоларини тасдиқлаш борасидаги саволларига атрофлича жавоб қайтарди. Мамлакатимиз бўйича сайловчилар яшаш жойларига яқин ерларда 8 мингдан зиёд сайлов участкаси ташкил этилди. Жорий йилнинг 13 ноябрига қадар участка сайлов комиссияларининг аъзолари тасдиқланади. Эл-юрт орасида обрў-эътиборга эга, ҳуқуқий салоҳияти етарли фуқаролар мазкур комиссиялар таркибига киритилади.

Семинар иштирокчиларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қўйи палата депутатлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари вакиллари билан учрашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов йиғилганларга парламентнинг қўйи палатаси ва унинг тузилмалари фаолияти, қонун қабул қилиш жараёнлари, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳоти самаралари, миллий сайлов қонунчилигининг ўзига хос жиҳатлари, мамлакатимиз сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари ҳақида сўзлаб берди.

Бешала сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари вакиллари ўз партиясининг парламентдаги фракцияси фаолияти, сайловга тайёргарлик доирасидаги ишлар тўғрисида маълумот берар экан, катта масъулият талаб этадиган ва ҳар қайси партия учун жиддий имтиҳон бўлган ўз номзодларини қўллаб-қувватлаб имзолар тўплаш жараёнига батафсил тўхталдилар.

Тошкент шаҳар сайлов округи ҳудудида 653 та сайлов участкаси ташкил этилган, уларнинг рўйхати ҳар бир сайлов участкасининг тартиб рақами, чегараси ва қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда шаҳар газетасида эълон қилинган. Сайлов куни ушбу сайлов участкаларида қарийб 1,5 миллион нафар сайловчи овоз бериш имконига эга бўлади.

Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов журналистларга бу ерда оммавий ахборот воситалари вакилларини сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар, шунингдек, бўлажак Президент сайлови натижаларига доир холис ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратилганлиги ҳақида гапириб берди. Комиссия тасарруфида Интернетга уланган компьютерлар, телефон, факс, нусха кўчириш аппаратлари, телевизор, видеомагнитофон мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунлар тўпламлари, бошқа зарур сиёсий ва ҳуқуқий адабиётлар бор. Стендларда шаҳар округ сайлов комиссиясида, округ ҳудудида жойлашган сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар мунтазам янгилаб турилади.

Тошкент вилояти сайлов округида ҳам худди шундай шароит яратилган. Мазкур округда 800дан зиёд сайлов участкаси ташкил этилди. Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси С.Қурбонқулов ва ушбу сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Х.Шафоатовнинг айтишича, округ ҳудудидаги сайлов участкаларининг фаолиятига тааллуқли барча маълумотлар шу ерда тезкорлик билан жамлаб борилаётир. Матбуот хизмати мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ушбу жараёнларни ёритиб боришда маҳаллий ва хорижий журналистларга ёрдам бериш учун зарур барча шарт-шароит ва имкониятларга эга.

Округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг ходимлари пойтахтимиздаги 278-сайлов участкаси фаолияти билан танишдилар. Бу ерда овоз бериш жойи сифатида «Истиқлол» маҳалласининг биноси танланди. Ушбу участка ҳам энг илғор компьютер техникаси, видео ва телеаппаратуралар билан жиҳозланган. Президент сайлови кунига ҳали салкам икки ой борлигига қарамай, сайлов участкасида сайловчиларни рўйхатга олиш учун ҳамма нарса шай, яширин овоз бериш кабиналари сайлов тўғрисидаги қонунларимиз талабларига мувофиқ жиҳозланган.

Сайлов участкасида шу кунларда иш жуда қизғин. Бу ерга тез-тез келиб турувчи маҳалла аҳлини амалдаги сайлов қонунчилиги, сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, овоз бериш якунлари ва сайлов натижаларини аниқлаш билан боғлиқ кўплаб масалалар қизиқтиради. Бошқа сайлов участкаларида бўлганидек, бу ерда ҳам сайловчилар миллий қонун ҳужжатлари тўпламлари, сайловга оид рисолалар, сайлов жараёнларини мунтазам ёритиб бораётган даврий нашрларнинг янги сонлари билан танишиш имконига эга.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз учун том маънодаги тарихий воқеа, жамиятни демократлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлади, — дейди Самарқанд округ сайлов комиссияси матбуот хизмати раҳбари Лутфулло Шомуродов. – Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора юксалиб бормоқда ва бу истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ танлаб олинган миллий тараққиёт йўлимиз нечоғли тўғри эканлигини яққол тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг очиқлиги ва транспарентлигини таъминлаш йўлида яратилган шарт-шароит ушбу жараённи холис ва тезкор ёритишнинг кафолатидир. Буларнинг барчаси демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган мамлакатимиз ва буюк келажак сари дадил интилаётган халқимиз учун дастуриламал вазифасини ўтовчи барча демократик принциплар ва нормалар ҳаётимизга нечоғли теран татбиқ этилаётганлигини аниқ-равшан тасдиқлаб турибди.

Семинар иштирокчилари, шунингдек, пресс-клуб ишида, «Бунёдкор» ёшлар телеклубидаги давра суҳбатида ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадио компаниясида бўлиб ўтган ижодий мулоқотда қатнашдилар. Таниқли сиёсатшунос, социолог ва ҳуқуқшунослар, оммавий ахборот воситаларининг етакчи шарҳловчи ва мутахассислари, сиёсий партиялар даврий нашрларининг раҳбарлари иштирокида ўтган мазкур учрашувларда сайлов кампаниясини очиқлик, ошкоралик, транспарентлик принциплари асосида ташкил этиш ва ёритиш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, «Округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг сайлов кампаниясидаги мақсад ва вазифалари» мавзуида ўтказилган илмий-амалий семинар иштирокчилари таъкидлаганидек, бўлажак сайлов том маънода умумхалқ сайлови бўлиб, мустақиллик йилларида кишиларимизнинг наинки ҳаёти яхши томонга ўзгаргани, балки дунёқараши ҳам замонавийлашганини, сиёсий онгу-тафаккури, интеллектуал салоҳияти юксалганини, ҳуқуқий билими ошганлигини яққол намоён этадиган муҳим демократик мезондир.

Ғулом МИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири

Баркамол авлод орзуси





МУНОСИБ ИЗДОШЛАРГА МУНОСИБ ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни вояга етказиш, ўғил-қизларга замон талаблари даражасида таълим-тарбия бериш, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарлича шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бундай хайрли ишларга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг умидли спортчиларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган хайрли ишлари, жумладан, мунтазам равишда турли спорт мусобақалари ташкил этилаётгани, ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида грантлар ажратаётгани шулар жумласидандир.

Пойтахтимизнинг «Жар» спорт мажмуида ана шундай лойиҳалардан бири — «Чемпионлар форуми» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги грантларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, спорт муассасалари раҳбарлари, спортчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ажратган бу галги грантларни кураш бўйича жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев ва эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров ўз издошларига — мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда юқори натижаларга эришган 28 нафар умидли спортчига топширди.

Самарқандлик Жамшид Аҳадов шу йилнинг май ойида эркин кураш бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида ғолибликни қўлга киритган. 16-22 сентябрь кунлари Беларусда ўтган Евроосиё ўйинларида кумуш медаль соҳиби бўлган.

— Спорт соҳасида эришаётган ютуқларимизнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси, деб биламан, — дейди Ж.Аҳадов. — Шу боис, бундан кейин ҳам халқаро мусобақаларда давлатимиз байроғини янада баланд кўтаришга ахд қилганман.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасидан маълум қилишларича, жорий йилда бундай грант маблағлари юз нафарга яқин ўғил-қизга топширилган.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири

Суратларда: *тадбирдан лавҳалар.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

«Мен биринчи марта овоз бераман!»

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАШДА ЎЗ ОВОЗИМ БЎЛАДИ

Халқимиз ҳаётида тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий жараён давом этаяпти. Ушбу сайловда иштирок этиш мамлакатимиздаги ҳар бир сайловчи учун конституциявий бурч саналади. Бироқ шахсан мен учун бу воқеа ҳаётимда унутилмасдир. Негаки, мен бу йил илк бор Конституциямизда кафолатлаб қўйилган ҳуқуқимдан фойдаланиб, Президентлик сайловида овоз бераман. Ушбу сайлов мамлакат тақдири, унинг эртанги куни билан боғлиқ жуда катта ва муҳим сиёсий, тарихий жараён бўлгани учун ҳар бир фуқаро унга маънавий, сиёсий жиҳатдан тайёрланиши лозим, деб ўйлайман. Айниқса, биз ёшлар учун бу жуда муҳим.

Мамлакатимизда сайловчиларга барча имкониятлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ва бошқа қонунларда сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб берилган.

Мен ҳозир биринчи курс талабасиман. Ҳали бирор сиёсий партияга аъзо бўлганим йўқ. Бироқ бўлғуси ҳуқуқшунос сифатида сайловга алоҳида тайёргарлик кўриш, сиёсий жараённи диққат билан кузатишни ўз бурчим деб биламан.

Президент сайловига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш очиқ-ошкоралик тамойили асосида амалга оширилаётгани бўлғуси ҳуқуқшунос сифатида мени қувонтиради.

Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиз Президенти сайловига тайёргарликни эълон қилган кундан бошлаб юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари мазкур жараён ҳақида тезкор маълумотлар бериб келмоқда. Бу эса, ҳар биримизнинг ўзимизни шу жараён иштирокчиси сифатида ҳис қилишимизга замин яратмоқда, демократик давлатчилик асосларини чуқур ўрганишга ёрдам бермоқда. Шу ҳақда ўйлар эканман, 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштироким ҳаётимда унутилмас воқеа бўлиб қолишига ҳеч шубҳа қилмайман.

Абдуманноб АЛЛАНОВ,
Тошкент давлат юридик институти 1 курс талабаси

Ислоҳот одимлари

СЕН БИРОВГА ҚАЙИШСАНГ,

У ҲАМ СЕНГА ҚАЙИШАДИ

Яқинда Тошкентда пахта саноати бўйича халқаро савдо кўргазмаси бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Унда жаҳон тўқимачилик ва пахта савдоси бўйича йирик-йирик компаниялар қатнашди. Пахтамизга қизиқиши ортган мижозлар билан кўплаб шартномалар тузилди. Бунда албатта пахта толасининг узунлиги ва сифати бош мезон бўлди.

Биргина «Наманганпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва унга қарашли пахта тозалаш корхоналари тажрибасини олинг: жаҳон бозорида тола сифатига эътибор кучайган бир паллада бирлашманинг Чустдаги корхонасида пахтани қайта ишлаш борасида замонавий техникалар сони кўпайди. Ўтган йилнинг ўзида қуритиш ва тозалаш жараёнлари учун қўшимча янги-янги цехлар қурилди. Барчаси замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Натижада, уларга хомашё келиши ҳам режадагидан анча ортди. Янги ускуналар ишга тушиши билан электр қуввати ва ишчи кучи деярли икки баравар тежалди. Аввалари 15 киши бажарган ишни энди замонавий цехларда 8 киши бемалол уддаламоқда.

Яна бир жиҳати: биласиз, Чуст қадимдан ўзининг қўли гул ҳунармандлари билан машҳур. Корхона қошида ҳам касаначилик ишларини йўлга қўйиш айни муддао бўлди. Натижада кўплаб янги ишчи ўринлари яратилиб, корхонага қўшимча даромад кела бошлади. Бугунги кунда бу ер Чуст пичоқлари ва дўппилари марказига айланиб қолди, десак муболаға бўлмас. Айниқса, тўқувчилик ва тикувчилик цехлари эндиликда ўз маҳсулотлари билан харидорлар диққатини тортмоқда.

— Республика стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўлинмалари пахтасаноат корхоналари ишини анча енгиллаштирди, — дейди корхона раҳбари Раҳмонжон Ҳожиматов. — Илгари чет элларга толани ўзимиз жўнатардик. Ҳозир эса сўнгги сертификатни олиб, хомашёни терминал корхоналарга ўзлари беришаяпти...

— Энг муҳими, — давом этди у, — вилоят «Пахтасаноат» бирлашмаси шартномани ўзлари имзолаб, ўзлари чет элга пахта экспорт қилишади. Бирлашмамиз вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда уруғлик чигитни дорилайдиган цехлар очиб, 2008 йил ҳосили учун сифатли сараланган уруғлик чигитни дорилаш ва фермер хўжаликларга етказиб бериш вазифасини ҳам ўз зиммасига олган. Масалан, Чуст «Олтин тола» акциядорлик жамиятида шу кунларда ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида реконструкция ишлари якунланмоқда. Ҳадемай, 450 киши мавсумий иш жойлари билан таъминланади. Ишчи-хизматчилар манфаатларини кўзлаб, янги чойхона, дам олиш ва ювиниш хоналарини қуриб фойдаланишга топширдик. Ижтимоий ёрдамга муҳтож ҳамда кам таъминланган оилалардан чиққан ходимларимизга бир бошдан қорамол ва ногиронларга ногиронлик аравачалари ажратдик.

«Сен бировга қайишсанг, у ҳам сенга қайишади» — деган гап бор. Кўрсатилаётган меҳр-мурувватларга жавобан ишчиларнинг ғайрат ва шижоати ошиб, иш унумдорлиги юқори бўлмоқда.

Абдуолим ҚУРБОНОВ

Диққат, танлов!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат Асосий Қонунининг ўрганилиши жараёни мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида

«Менинг Конституциям»

ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАНЛОВ ЙЎНАЛИШЛАРИ:

Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж);
— энг яхши интервью;
— энг яхши фоторепортаж.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Асосий Қонунни ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар таҳлилий ва ташкилий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади:

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган «Менинг Конституциям» танловига рукнида танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:

Танлов анъанавий бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни арафасида эълон қилинади ва бир йил давом этади. Танлов ғолиблари Конституция байрами арафасида аниқланиб тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар:

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Менинг Конституциям» танловига деган қайд билан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, 144-15-96. www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz.

Ташкилий қўмита

КАСАНАЧИЛИК ҚУЛАЙЛИКЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Тошкент вилояти аҳолисини иш билан таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмалари асосида банд бўлмаган аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, кўп болали оналар, ногиронлар, тайёргарлик ва малака даражаси етарли бўлмагани боис иш топишга қийналаётган юртдошларимиз касаначиликка кенг жалб этилаётир.

Бекобод туман Бандликка кўмаклашиш маркази директори Абдулла Сирожиддиновнинг айтишича, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида қарийб беш юз нафар киши уй меҳнатига жалб этилди. Айни пайтда уларнинг асосий қисми Далварзин пахта тозалаш ва таъмирлаш заводлари ҳиссадорлик жамиятларида, туман машина-трактор парки ва бошқа корхоналарда шартнома асосида меҳнат қилмоқда.

— Далварзин пахта тозалаш заводида касаначиман, — дейди Озода Болтабоева. — Айни пайтда туманимиздаги корхона ва фермер хўжаликлари буюртмасини бажаряпмиз. Касаначилик асосида меҳнат қилишнинг афзалликлари кўп. Мисол учун рўзғор ишларидан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиш ва ишга яраша ҳақ олиш мумкин.

Х.САЛИМОВ,
ЎзА мухбири



ТАЛАБ АМАЛГА ОШМАЯПТИ

Франциянинг йирик Руасси-Шарль де Голл аэропортида «Air France» авиакомпанияси борт кузатувчилари иш ташладилар. Оқибатда узоқ масофага учувчи 78 та самолёт парвозининг 42 таси бекор қилинди.

Ўтган ҳафтанинг пайшанбасидан кечаги кунгача касаба уюшмалар томонидан ўтказилган иш ташлашда борт кузатувчиларнинг 84 фоизи иштирок этди. Улар маошлар оширилишини ва меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилдилар.

Дарвоқе, ИТАР-ТАССнинг хабар беришича, «Air France» авиакомпанияси мазкур иш ташлаш оқибатида кўрган зарарни қоплаш мақсадида касаба уюшмаларни судга берди.

Худди шундай иш ташлаш немисларнинг «GDL» локомотивлари машинистлари касаба уюшмалари томонидан ҳам амалга оширилди. Ушбу бир кунлик иш ташлаш оқибатида Германиянинг «Deutsche Bahn AG» темир йўл компанияси 10 миллион евродан ортиқ миқдорда зарар кўрди. Бу ҳақда компания бошқаруви вакили Карл-Фридрих Рауш баёнот берди.

«Associated Press» АА хабар беришича, иш ташловчилар иш вақти ҳафтасига 40 соатга туширилишини ҳамда маошлар 31 фоизга оширилишини талаб қилдилар. Бироқ темир йўл касаба уюшмалари ўзлари кутган натижаларга эришолмадилар. Шунинг учун улар ушбу ҳафтада ҳам иш ташлаш акциясини бошлашни мўлжаллаб туришибди.

ОММА БИЛАН УЧРАШУВГА ЧИҚДИ

Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто унга нисбатан яқинда уюштирилган суиқасддан сўнг илк бор омма орасига сафар уюштирди. Ларкана шаҳрида уни минглаб тарафдорлари қарши олди, дея хабар беради Покистон телевидениеси.

Бхутто ўз отаси музейига ташриф буюрди. Покистоннинг собиқ етакчиси Зулфиқор Али Бхутто 1979 йили ҳарбийлар томонидан ўлдирилганди.

Маълумки, 8 йиллик қувғиндан сўнг Беназир Бхутто хоним шу йил 18 октябрда ўз ватани Покистонга қайтди. Шу куни кечаси унинг Карачи шаҳри кўчаларидан бирида ҳаракатланаётган кортежига нисбатан камикадзелар томонидан террор содир этилган. Оқибатда 143 киши ҳаётдан кўз юмган, 500 киши эса турли даражада тан жароҳати олганди. Бу Покистон тарихида содир этилган энг қонли террордир.

Беназир Бхутто ушбу мусулмон мамлакатнинг бош вазири бўлган биринчи аёлдир. У ҳукумат раҳбарлигини икки марта эгаллаган: 1988 йилдан 1990 йилгача ва 1993 йилдан 1996 йилгача. 1999 йили у мамлакатдан чиқиб кетган. Ўшанда унга нисбатан коррупция билан боғлиқ айблов эълон қилинган эди.

Жорий йилнинг октябрь ойи бошларида Покистоннинг амалдаги президенти, генерал Парвез Мушарраф Миллий келишув ҳақидаги декретга имзо чекди. Унга кўра, 1988 йилдан 1999 йилгача бўлган даврда давлат мансаб вазифаларида ишлаган сиёсий арбобларга нисбатан эълон қилинган айбловлар бекор қилиниб, амнистия жорий этилди. Шундан сўнг Б.Бхутто ватанига қайтди.

У келгуси йил январда бўлиб ўтадиган парламент сайловларида иштирок этиши ва бош вазирлик лавозимини эгаллаш учун кураш олиб бориши ҳақида баёнот берди.

АГАР ХОҲЛАМАСА, МАЖБУРИЙ ЖЎНАТИЛАДИ

АҚШ давлат департаменти мамлакатнинг Ироқдаги элчихонасида бўшаб қолган ўринларни тўлдириш учун у ерда ишлашни хоҳлаган дипломатларни ихтиёрий равишда ариза билан мурожаат этишга чақирган эди. Ҳатто 50 нафар номзодни ҳам мўлжаллаб қўйган эди. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам Ироқда ишлашга ариза бермади, дейилади «AFP» АА хабарида.

Давлат департаментининг кадрлар бошқармаси бошлиғи Гарри Томиаснинг айтишича, 2008 йилнинг ўрталаригача 250 та бўш ўрин тўлдирилиши лозим. Агар ихтиёрий борувчилар топилмаса, у ҳолда дипломатлар мажбурий равишда жўнатилади, акс ҳолда дипломатия соҳасидан четлатиш чораси қўлланади.

Мазкур ҳафтада 200 дан 300 нафаргача номзод Бағдодда ишлаш таклифини кўриб чиқиши лозим. Улар бу ҳақда хабардор қилинади. Бу борада қарор қабул қилишлари учун 10 кун муҳлат берилади.

12 ноябрдан 27 ноябргача дипломатлар гуруҳи шакллانиши лозим. «Ахир биз, яъни дипломатия соҳаси ходимлари мамлакатга хизмат қилиш учун қасамёд қабул қилганмиз» деди Г.Томас номзодларга буни эслатиб.

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛИГИЧА ТУРИБДИ

Туркия бош вазири Режеп Тайип Эрдоғаннинг 5 ноябрь куни АҚШга ташрифи тугамагунча Туркия қуролли кучлари Ироқ шимолидаги террорчи Курдистон ишчи партияси жангариларига қарши ҳужум бошламайди. Бу ҳақда Туркия қуролли кучлари бош штаби бошлиғи Яшар Бююканит баёнот берди, дейилади «Associated Press» АА хабарида.

Маълумотларга қараганда, Туркия — Ироқ чегарасида (айнан шу худудда Курдистон мустақиллиги учун қуролли кураш олиб бораётган, аниқроғи, террорлар содир этаётган Курдистон ишчи партияси жангарилари жойлашган) вазият кескинлигича турибди.

Туркия уларни қуролсизлантириш мақсадида Ироқ Курдистонига нисбатан санкция жорий этган. Бу эса қиш олдидан ушбу худуд иқтисодиётини анчагина ҳолдан тойдиради. Ироқ парламенти спикери Маҳмуд ал-Машҳадани ҳам Ироқ шимолига Киркук — Жайхон нефть қувури орқали нефть етказиб берилишини тўхтатиш ҳақида баёнот берди. Бироқ курд экстремистлари етакчиларини тутиб, расмий Анқара қўлига топширишнинг иложи йўқлиги ҳақида алоҳида таъкидлади. Негаки, курд экстремистлари Ироқ ҳукумати назорати кучсизлик қилаётган тоғли ҳудудларда яшириниб юришибди.

Ироқ бош вазири Нури ал-Малики Курдистон ишчи партиясининг барча бюроларини ёпиш ва ушбу партия фаолиятини тўхтатишга ваъда берди.

ТИНЧ АҲОЛИ ЖАБР КЎРДИ

Ҳиндистоннинг Жариханд штати маркази Ранчи шаҳри марказидан 290 километр узоқда жойлашган Гиридх округига қарашли қишлоқда футбол мусобақасидан сўнг ўтказилаётган тадбир пайтида қирққа яқин қуролланган маочи-жангарилар тинч аҳолига ҳужум уюштирдилар. Натижада 17 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 4 киши оғир тан жароҳати олди, дея хабар беради «France Press» АА.

Маочи-жангарилар ҳақида шуни айтиш мумкинки, улар бугунги кунда мамлакатнинг жануб ва шарқидаги 13 та штатда фаолият юритмоқда. Улар ўзларини аҳолининг қашшоқ қатламини ҳимоя қилувчилар, деб атайдилар ва «помешчик»ларга ҳамда деҳқон меҳнатини эксплуатация қилувчиларга қарши кураш олиб бормоқдалар. Улар мафкурасининг асосини Мао Цзэдун ғоялари ташкил этади. Компартия ғоялари тарафдорлари бугунги кунда 20 минг атрофида. Улар 20 йилдан ортиқ вақтдан бери ўз ғоялари йўлида Ҳиндистон маъмурияти тарафдорларига қарши, яъни полицияга, ҳарбийларга ва тинч аҳолига ҳужумлар уюштириб келмоқдалар.

Ҳиндистон бош вазири Манмохан Сингхнинг айтишича, маочилар мамлакатнинг миллий хавфсизлигига жиддий хавф туғдирувчи энг тажовузкор кучдир.

ИНСПЕКТОРЛАРГА РУХСАТ БЕРИЛМАЙДИ

Польша ташқи ишлар вазири Анна Фотига Россия президентининг Европа Иттифоқи билан алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича вакили Сергей Ястржембскийнинг Польша гўштни қайта ишлаш корхоналарига Россия инспекторларини назорат учун киритишга рухсат бергани тўғрисидаги гапларини инкор этди. «Россия томонидан Польша озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан эълон қилган эмбаргоси тўлиқ бекор қилинсагина Россия ветеринария хизматининг Польша гўшт комбинатларига назорат учун киришларига рухсат берилиши мумкин» деди А.Фотига.

Маълумки, С.Ястржембский 26 октябрь куни Португалияга ташрифи чоғида юқорида айтилганидек, Россия инспекторлари назоратига расмий Варшава рухсат берганлиги ҳақида гапирган эди.

Эслатиб ўтамиз: 2006 йил ноябрда Россия Польшанинг гўшт ва гўшт маҳсулотлари импортига тақиқлов жорий этган. Сабаб: ветеринария сертификатлари қалбакилаштирилганлиги аниқланган. Жумладан, Польша маҳсулотлари сертификати остида Африка мамлакатларининг буйвол гўштлари ҳам Россияга экспорт қилинган.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг ноябрь ойида Польшада ишлаб чиқарилган ўсимлик маҳсулотларининг Россияга экспорт қилинишига ҳам Россия томони тақиқ жорий этган. Сабаб: ушбу маҳсулотлар Россиянинг фитосанитария меъёрларига жавоб бермайди.

Расмий Варшава эса бу тақиқловлар сиёсий характер касб этади, дея таъкидламоқда ва Россиянинг Европа Иттифоқи билан янги битим имзолашига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатди. Хусусан, Россия делегацияси билан Европа Иттифоқи делегациясининг бу борадаги охирги музокаралари шу йилнинг 21-22 апрель кунлари Кипрда самарасиз якунланган. Шунингдек, Польша маъмурияти Россиянинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришига қаршилик қилмоқда. Польша қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Ян Кшиштоф Ардановскининг айтишича, мамлакат Россиянинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришига қаршилик қилмоқда, қачонки, Россия ўтган йили жорий этган эмбаргосини бекор қилса.

Россия эса Польшани «Роспотребнадзор» талабларини бажармаётганликда айбламоқда.

БЕГУНОҲ ДЕБ ТОПИЛДИ

Сантьяго шаҳрининг апелляция суди Чилининг собиқ диктатори, марҳум Аугусто Пиночетнинг беваси Люси Хириарт Родригес ва унинг 5 нафар фарзандидан 4 нафари ҳамда Пиночетнинг собиқ ёрдамчиларидан 9 нафари устидан олиб борилаётган суд жараёнини (коррупция билан боғлиқ масалаларда) тўхтатди ва уларга нисбатан эълон қилинган айбловларни бекор қилди. Бу ҳақда «Bloomberg» АА хабар тарқатди.

Аввалроқ, Пиночет томонидан бюджет маблағлари хусусийлаштирилиб, (бу маблағлар 4,18 миллиард пьесо, яъни 8,42 миллион долларга тенг дея баҳоланмоқда) хорижий банкларга сақлаш учун пул кўчирмалари ўтказилишида уларнинг ҳам айби бор, дея тан олинган эди ва шу йилнинг 4 октябрида қамоққа олинганди. 6 октябрь куни эса кафолат пули эвазига улар қамоқдан чиқарилган, лекин тергов-суриштирув жараёнлари давом эттирилаётган эди.

Пиночетнинг тўнғич ўғли ва Пиночет сафдошларидан 8 нафарига нисбатан эълон қилинган айбловлар ўз кучида қолдирилди.

Маълумки, Аугусто Пиночет ҳаётлиги даврида бир неча бор коррупцияда айбланиб, қамоққа олинган. Оқибатда у 2006 йил 10 декабрь куни 92 ёшида инфаркт хуружи боис ҳаётдан кўз юмганди. У 1973 йилдан 1990 йилгача ҳокимият тепасида бўлиб, Чили ҳарбий хунтасини бошқарган. У Чили президентлигига сайланган Сальвадор Альенде ҳокимиятини ағдариб, яъни ҳарбий давлат тўнтаришини амалга оширган эди.

Ҳарбий хунта бошқаруви даврида сиёсатга қарши бўлган 3 минг нафар чилилик ўлимга маҳкум этилган, 28 минги турли қийноқларга солинган.

Луқма

МУМКИН ЭМАС, ЛЕКИН МУМКИН

ЁХУД БИР ШИФОХОНАДАГИ ҒАЛАТИ ТАРТИБ ХУСУСИДА

...Бундан беш-ўн кун аввал тасодифан «ошқозон диареяси» ташҳиси билан шифохонага тушдим. Мен борган манзил — Республика эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти экан. Институт клиникасининг даволаш-муолажа ишлари ўз йўлига, лекин бу ерда мени бошқа бир ҳолат ҳайрон қолдирди.

Шифохонага ётган куним навбатчи ҳамшира «Касалхонага бегоналар кириши, беморлар ҳам ташқарига чиқиши мумкин эмас» деган гапни қайта-қайта такрорлаган бўлишига қарамай, бу ерга ҳол сўраб келувчиларнинг қадами узилмади. Келса-ку майли-я, лекин айрим беморларнинг яқинлари соатлаб хоналарда қолиб, гаплашиб бошқаларнинг асабига тегиши менда ғалати таассурот қолдирди.

«Хўш, кирган бўлса нима қилибди, касалхона экан, беморларни йўқлаб боришади-да», дерсиз... Лекин...

Маълумки, биз айтаётган касалхоналарга кириш-чиқиш қатъий ўрнатилган тартибда, шунда ҳам фақат рухсатнома орқали амалга оширилиши лозим. Чунки бу муассаса эпидемияларга қарши курашувчи маскан, унда юқумли касалликларга чалинган беморлар даволанади. Бундай жойга ҳар ким бемалол кириб чиқадиган бўлса, нафақат беморлар, балки ташқаридаги одамлар соғлиғига ҳам хавф туғилиши мумкин. Яъни карантинга ўхшаш ҳолат бу ерда бўлиши керак. Шуни беморлар олдига келаётганлар билишадими? Билса-да, амал қилишмаса, нега унда шифохона масъулларининг ўзлари бу масалага ҳушёрлик билан қарашмайди?

Мана шу саволларга жавоб тополмай қийналиб турган бир пайтда одамни лол қолдирадиган, беихтиёр ўйлантириб қўядиган яна бир воқеага гувоҳ бўлдимки, бир ҳайратим ўн чандон ошди.

Касалхонага тушганимнинг иккинчи ёки учинчи куни эди. Мен ётган диагностика бўлимига навбатдаги «зиёратчи» кириб келди. Кўринишидан ҳорғин, узоқ йўл босиб келгани шундоқ сезилиб турган бу аёл «неварам касал эди, бир кўрсам майлими», деб ҳарчанд ялинмасин, тўладан келган ҳамшира негадир, ичкарига қўймади. «Масъулиятлироғи шу экан-да», деб ўйладим. Шундай бўлса-да, ҳалиги аёлдан «нега сизни киргизишмади, бошқалар бемалол кириб чиқишяпти-ку», деб сўрадим. У бўлса «буларнинг нияти пулда, ташқари эшикдагилар ҳам шундай ўтказишди», деб жавоб берди...

Бу гап қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз. Лекин ҳар ҳолда шундай миш-мишлар қулоққа чалиниб турди.

Ҳозир мамлакатимизда тиббий маданиятни ошириш бўйича кўп ишлар қилиняпти, аҳоли ўртасида бу тушунчани янада кенгроқ ёйиш ҳақида бош қотириляпти. Шундай экан, биз яқинимизни бориб кўришдан аввал ўзимиз касал кўриш маданиятини эгаллаган бўлишимиз лозим. «Қариндошим шифохонага тушибди» деб тўғри келган жойга кириб кетаверсак, масаланинг бошқа томонларини ўйламасак, аввало шу қариндошимиз соғлиғини хатарга қўйишимиз мумкин-ку! Энг ачинарлиси, бундай бошбошдоқликка тиббиёт ходимларининг эш бўлаётганидир.

Бу гаплар билан биз кимнидир айбламоқ фикридан йироқмиз. Мақсадимиз — айримларга арзимасдек туюладиган бир эътиборсизлик эртага бошқа муаммоларни келтириб чиқариши мумкинку, деган мулоҳазани билдирмоқ холос.

Акс ҳолда...

Матназар ЭЛМУРОДОВ

Спорт

КУТИЛГАН ВА КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Шу кунларда Чикаго (АҚШ)-да бокс бўйича ўтаётган жаҳон чемпионати қизғин паллага кириб борянти. Дунёнинг бир юз йигирма икки давлатидан «чарм қўлқоп» усталари қатнашаётган баҳсларда терма жамоамиз аъзолари ҳам рингга кўтарилмоқда.

Ўтган жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Дилшод Маҳмудов (64 кг.)нинг дастлабки учрашувдаёқ мағлубиятга учраганлигини хабар қилгандик. Афсуски, бошқа вазн тоифаларида ҳам яна бир неча боксчимиз мусобақани барвақт тарк этди. Жумладан, Сидней олимпиадаси бронза медали совриндори Рустам Саидов (+91 кг.) илк баҳснинг биринчи раундидаёқ белоруссиялик Магомед Абдусаломовдан нокаутга учраганлиги мутахассислар томонидан кутилмаган натижа сифатида эътироф этилди. Шунингдек, терма жамоа аъзоларидан Олим Назаров (48 кг.), Тўлашбой Дониёров (51 кг.), Орзубек Шойимов (54 кг.), Беҳзод Юнусов (67 кг.) ҳамда Жасур Матчонов (91 кг.)лар ҳам томошабинлар сафидан жой олишди.

Ҳозирда «чарм қўлқоп» усталаримиздан Баҳодиржон Султонов (57 кг.), Бекзод Хидиров (60 кг.), Элшод Расулов (75 кг.) Аббос Атаев (81 кг.)лар ўзларининг муваффақиятли юришларини давом эттиришмоқда. Жумладан, Афина олимпиадаси бронза медали совриндори Баҳодиржон Султонов дастлабки босқичларда Хесус Марсело Андрес (Аргентина), Ханг Реёнг Хан (КХДР)ларни енгиб, чорак финалга йўлланма олди. Энди ҳамюртимиз россиялик Альберт Селимовга қарши рингга чиқади.

Яна бир вакилимиз Бекзод Хидиров ҳам илк босқичларда Ховман Карамий (Эрон), Ангус Доналсон (Янги Зеландия)лар устидан зафар қучди. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов (75 кг.) ҳам юртимизга олтин медаль билан қайтмоқни ният қилган. Шу боис мусобақанинг дастлабки учрашувларида Ян Сайко (Чехия), Иштван Сжили (Венгрия)ларни енгиб, чорак финалга чиқди.

Мутахассисларимиз 81 кг. вазн тоифасида Аббос Атаевга ишонч билдиришган. Имконияти юқори баҳоланаётган бу боксчимиз руминиялик Константин Беженаруга қарши жанг ўтказиб, учинчи раундда рақибини нокаутга учратди.

АКТЁРЛАРНИНГ ҲАВАСИ КЕЛДИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида мини футбол бўйича «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб ўтказилган анъанавий турнир чинакам спорт байрамига айланиб кетди

Бир ҳафта давом этган баҳсларда телевидение, радио ҳамда даврий нашрларда фаолият кўрсатаётган ижодкорлардан ташкил топган ўн саккиз жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди. Аммо ярим финалга йўлланма МТРК, «Ўзбекистон футболи», «Наврўз» FM, «Маърифат» жамоаларига насиб этди. Унда МТРК — «Маърифат» (4:2), «Ўзбекистон футболи» — «Наврўз» FM (2:3) футболчилари ўзаро куч синашиб, финалчиларни аниқлашди.

Йилдан йилга нуфузи ортиб бораётган мусобақа журналистлар ўртасида футбол оммавийлигини оширишга катта ҳисса қўшаётир. Буни ҳар жиҳатдан шаклланиб келаётган жамоаларнинг ҳал қилувчи учрашувлари кўрсатиб берди. Жумладан, хотира турнирининг бронза медали учун кечган ҳамда финал ўйинларида ғолиблар қўшимча вақтдан сўнг аниқланди. Учрашувнинг асосий вақтида «Маърифат» жамоаси билан 2:2 ҳисобини қайд қилган мусобақа мезбонлари қўшимча вақтда рақибларини икки бор доғда қолдириб, учинчи ўринни эгаллашди. МТРК — «Наврўз» FM жамоалари ўртасида ўтган финал баҳсида ҳам худди шу манзара кузатилди. Унда омад Миллий телерадиокомпания ходимларига кулиб боқди — 4:2.

Учинчи маротаба ўтказилган хотира турнирининг аввалгиларидан фарқли жиҳати, мусобақа доирасида илк бор Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамда Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри актёрларидан ташкил топган жамоалар ўртоқлик учрашуви ташкил этилди. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадали Абдуқундузов мураббийлигида майдонга тушган Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси рақиблари устидан 4:0 ҳисобида ишончли ғалаба қозонди. Мазкур ўйинда томошабинлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маҳмуд Исмоилов, Фарҳод Абдуллаев, Ботир Муҳаммаджонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Фармонов, таниқли рассом Бахтиёр Тўраев ҳамда бошқа бир қатор эл суйган ижодкорларнинг яшил майдондаги маҳоратларидан бахраманд бўлишди.

— Театримиз актёрлари нафақат саҳнада роллар ижро этиш, турли телесериал ва кинофильмларга овоз беришни қойиллатишади, балки ишдан бўш вақтларида муносиб тўп суришни ҳам уддалашади, — дейди Муҳаммадали Абдуқундузов. — Футбол ўйнаш эса биз ижодкорларга илҳом бағишлайди. Ўйинларни кузатиб, кўнглимизда кейинги йилдан ушбу мусобақада қатнашиш истаги туғилди. Агар ташкилотчилар розилик беришса, келгуси турнирдан бошлаб бизнинг жамоамиз ҳам журналистлар билан бир қаторда бажонидил ғолиблик учун курашишга тайёр.

Турнир якунида илк маротаба ғолиб ва совриндорларга кубок ҳамда дипломлардан ташқари, олтин, кумуш ва бронза медаллари топширилди. Тўртинчи ўринни эгаллаган «Маърифат» газетаси жамоаси «Томошабинлар олқишига сазовор жамоа» номинацияси соҳиби бўлди. Шунингдек, турнирнинг «Энг ёш иштирокчиси», «Энг фахрий ўйинчиси», «Энг моҳир тўпурари», «Энг яхши ўйинчиси», «Энг яхши ҳимоячиси», «Энг моҳир ярим ҳимоячиси», «Энг яхши ҳужумчиси» сингари ўнлаб номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Уларга «Интер-Кабель» МЧЖ, «Русторг» МЧЖ, «Green wold» компанияси, «Капиталбанк», «Музаффар-фильм» студияси, ЎзДЖТУ, ЎзДЖТИ сингари ҳомийлар ҳамда Акбаровлар оиласи томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Эркин ХОЛБОБО.

Суратда: *«Ўзбекистон овози» жамоаси ўйинчиси Жамшид Матёқубов (№6) турнирнинг «Энг моҳир ярим ҳимоячиси» деб топилди.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ФИНАЛ БОСҚИЧИДА

Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш босқичи «D» гуруҳи ўйинларида муваффақиятли иштирок этди.

Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган баҳсларда ҳамюртларимиз мусобақанинг финал босқичига бериладиган икки йўлланма учун мезбонлардан ташқари Бангладеш, Туркманистон, Тожикистон, Фаластин давлатларидан келган тенгдошларига қарши майдонга тушдилар.

Роберт Гай бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз аъзолари илк учрашувда Бирлашган Араб Амирликлари ўсмирлари билан куч синашиб, 2:2 ҳисобида дуранг ўйнашган бўлса, кейинги турларда барча рақибларини мағлубиятга учратишди. Жумладан, футболчиларимиз Туркманистон (4:1), Тожикистон (2:1), Бангладеш (3:2), Фаластин (6:1) терма жамоалари устидан зафар қучиб, гуруҳда биринчи ўринни эгалладилар.

Келаси йили бўладиган Осиё чемпионати баҳсларида қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси иштирок этади. Ҳозирча тўққиз давлат ўсмирлар терма жамоаси ушбу нуфузли мусобақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган. Булар Австралия, Баҳрайн, Хитой, КХДР, Эрон, Сингапур, БАА, Ўзбекистон ҳамда Жанубий Корея мамлакатлари ёш футболчиларидир.

ХИТОЙ-ТАЙПЕЙИ — ЎЗБЕКИСТОН — 0:2

2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг Осиё минтақаси баҳсларида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси илк икки учрашувни ғалаба билан якунлаб ўз мухлисларини хурсанд қилди.

Хабарингиз бор, уй-сафар тизими асосида уюштирилган мазкур баҳсларнинг Тошкентда ўтган ўйинида Рауф Инилеев шогирдлари рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмаганди — 9:0. Навбатдаги босқич масаласини биринчи ўйиндаёқ деярли ҳал қилган миллий терма жамоа аъзолари Хитой-Тайпейида ўтадиган жавоб учрашувига Павел Соломин («Сатурн», Россия)дан ташқари бирорта ҳам легионер футболчини жалб қилмасдан ички чемпионатимизда қатнашаётган ўйинчилар билан жўнаб кетган эди.

Кутилганидек, мазкур ўйин ҳам ҳамюртларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтиб, рақиблар дарвозасига жавобсиз икки тўп киритилди. Тўпларга терма жамоамиз аъзолари Илҳом Суюнов ҳамда Ислом Иномовлар муаллифлик қилди.

Энди мусобақа низомига кўра, дастлабки босқичда ғалаба қозонган 19 терма жамоадан жаҳон футбол таснифида қуйи поғоналарни эгаллаган саккизтаси иккинчи босқичда ўзаро куч синашади. Ўзбекистон футболчилари эса учинчи босқич гуруҳ баҳсларидан мусобақани давом эттиради. Гуруҳ баҳсларига 25 ноябрь куни Дурбан (ЖАР) шаҳрида қурға ташланади.



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Qurbon ESHMATOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
7860 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 01.35
Topshirilgan vaqti 02.25
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

Халқаро семинар

«ЯНГИЛАНГАН МУЛОҚОТЛАР»

Бугун пойтахтимизда ҳужжатли кино ижодкорларининг «Янгиланган мулоқотлар» III халқаро семинари ўз ишини бошлайди. Мазкур нуфузли анжуман ташкилотчилари «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистондаги Швейцария ҳамкорлик бюроси ҳамда Гёте институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси бўлиб, унда Марказий Осиё республикаларидан кино мутахассислари, режиссёр ҳамда ёш муаллифлар иштирок этиши кутилмоқда.



— Ушбу семинардан кўзланган мақсад, аввало, ҳужжатли кино ижодкорларимизнинг тажрибаларини ошириш, юртимизда яратилаётган фильмларни Марказий Осиё худудида кенг оммалаштиришдир, — дейди «Ўзбеккино» Миллий агентлиги режиссёри Шуҳрат Маҳмудов. — Ўтган йили анжуманимизга ташриф буюрган кўплаб меҳмонлар «Биз бу семинардан жуда катта таассурот олдик, бу тажрибалар ижодий йўналишимизни белгилашда ҳам ғоят муҳим», деган фикрларни айтишганди. Дарҳақиқат, бир неча кун давом этадиган семинар давомида қўшни давлатлар вакиллари олиб келган фильмлар намойиш этилади, улар ҳақида кино мутахассисларининг фикрлари, хулосалари тингланади. Шу тариқа ўзаро тажриба, мулоқот алмашуви юз беради.

Анъанавий семинар бу гал «Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзига хослик» мавзуида бўлиб, кино ҳафталиги доирасида Россия ва Германия ҳужжатли фильм усталарининг халқаро фестивалларда ғолиб бўлган сара асарлари ҳам намойиш этилади.

Бугун маданий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлган ҳужжатли фильмлар яратиш жараёнида турфа янгиликлар, ўзгаришлар кечмоқда. Мазкур ҳафталикнинг яна бир мақсади — жаҳон киносининг бу борадаги ютуқларини юртимизда оммалаштириш, ҳужжатли фильмлар келажаги ҳақида янгича хулосаларга келишдир.

Муҳаммад НАЗАР

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ЭНГ МУҲИМИ — САЛОМАТЛИК

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан Қашқадарё вилоятида тиббиёт масканларини таъмирлаш, керакли жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.

Қарши шаҳридаги 2-сонли вилоят шифохонасининг биноси таъмирталаб бўлиб қолганди. Бу ишни икки навбатда амалга ошириш режалаштирилди. Биринчи навбатда таъмирлаш ишлари учун 250 миллион сўм маблағ сарфланди. 60 ўринли шифохонани «Қашқадарёнефтгазқурилиш-таъмирлаш» ва Косон туманидаги 232-қурилиш корхоналари бинокорлари таъмирладилар. Сифатга катта аҳамият берилди. Натижада шифохона янги бўлди қолди. Бундан ташқари, 100 миллион сўмлик жиҳозлар, 3,6 миллион сўмлик тиббий ускуналар ҳам келтирилди. Шифохонада иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари имтиёзли даволанадилар.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 йилнинг 30 ноябрь ва 4,7,11,14,18,21,25,28 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Мирзо Улуғбек тумани:

Кичик ҳалқа йўли кўчасида жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 1 104 000 сўм.**

Геология кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 2 208 000 сўм.**

Юнусобод тумани:

Маликов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 9 600 000 сўм** ҳамда сатҳи 0,01 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 2 400 000 сўм.**

Лойиҳадаги кўчасида жойлашган, сатҳи 0,03 га. бўлган ер участкаси. **Бошланғич нархи — 468 000 сўм.**

Шайхонтоҳур тумани:

Қоратош мавзесида жойлашган, сатҳи 0,04 гектардан иборат бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 6 816 000 сўм.**

Ер участкасининг бошланғич нархига ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар қўшилмаган, бу харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотекабанки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 133-02-49.

Бу — қизиқ

СИРЛИ СОЧЛАР

Уйчи туманидаги Машад қишлоғилик Тоҳиржон Собиров бир йўла олтита «Дамас»ни сочи билан тортиб юргизади

Бизда соч ўстириб юриш йигитларга хос одат эмас, албатта. Лекин бу йигитнинг япон сумочиларига ўхшаб сочини турмаклаб юриши кўпчиликка ғалати туюлмай қолди. Бунинг сабаби...

Хуллас, анчадан буён Тоҳиржоннинг ажойиб томошаси ҳақида эл оғзида гап юради: «Сочида машин юргизармиш», «Бештасини бир йўла тортибди...»

Яқинда унинг ўзи билан учрашиб қолдик. Узун сочга кўз ўрганмаган, ғалати туюлади, ҳатто Тоҳиржоннинг ўзи ҳам сал ўнғайсизланиб гап бошлади:

— Ёшлигимда сочим бошқаларникидан йўғон ва пишиқ эканини билганман, аммо бунга унча эътибор қилмаганман. Уч йил аввал бир грециялик одам соқоли билан машина тортгани ва номи «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилгани ҳақида ўқиб қолдим. Шу воқеа таъсир қилди ва сочда машқ қила бошладим...

Тоҳиржон аста-секин битта «Дамас»ни сочига боғлаб тортишни ўрганади. Оғриқ ёки оғирлик сезмагач, бу машқни кучайтириб аввал иккита, сўнг уч, тўртта машинани тортишни йўлга қўйди. Ҳамқишлоқлари бундан ҳайратга тушишади. Бу воқеа тезда бутун туманга овоза бўлиб, ўтган йили байрам сайлида у халқ олдида бирйўла олтита «Дамас»ни сочида тортиб, жойидан қўзғатди...

Ҳозирда кўпчилик Тоҳиржоннинг сочларига ҳайрат билан қарайди. Ўз қишлоғидаги спорт мажмуасида қўл жанги бўйича мунтазам шуғулланиб, ўзини чиниқтириб бораётган 36 ёшли бу йигитнинг асосий мақсади — инсон сочи нималарга қодир эканини намойиш этиб, шу мақсад йўлида жаҳонга танилишдир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *Тоҳиржон Собировнинг ғаройиб машқи.*